

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**РУСТАМОВА САРВИНОЗ ИСЛОМОВНА**

**ЎСИМЛИК ФЛАВОНОИДЛАРИНИНГ МЕМБРАНАЛАРДАГИ ИОН  
ТАШИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**03.00.02 – Биофизика ва радиобиология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси****Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)****Рустамова Сарвиноз Исломовна**

Ўсимлик флавоноидларининг мембраналардаги ион ташилиш жараёнларига таъсири.....

3

**Рустамова Сарвиноз Исломовна**

Влияние растительных флавоноидов на процессы транспорта ионов в мембранах.....

21

**Rustamova Sarvinoz Islomovna**

Effect of plant flavonoids on ionic transport processes in membranes.....

39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**РУСТАМОВА САРВИНОЗ ИСЛОМОВНА**

**ЎСИМЛИК ФЛАВОНОИДЛАРИНИНГ МЕМБРАНАЛАРДАГИ ИОН  
ТАШИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**03.00.02 – Биофизика ва радиобиология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/В6 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ibb-nuu.uz](http://www.ibb-nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сабиров Равшан Заирович**

биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Мирходжаев Улугбек Закирович**

биология фанлари доктори, профессор

**Тилиябаев Зонтжон**

биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246–68–96).

Диссертация билан Биофизика ва биокимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru); [asrarov54@mail.ru](mailto:asrarov54@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Саатов Галъат Саатович**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, б.ф.д., академик

**Асраров Музаффар Исламович**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д., профессор

**Ахмеджанов Искандар Гулямович**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё миқёсида ион каналлари функцияси бузилиши натижасида келиб чиқувчи касалликлар сони ортиб бормоқда. Тирик ҳужайраларнинг муҳим хусусиятларидан бири турли механик ёки кимёвий таъсирлар ҳамда патофизиологик ҳолатларда (яллиғланиш, ишемия, инфаркт ва инсульт) юзага келадиган осмотик босим ўзгаришлардан қатъий назар ўз ҳажмини сақлаб туришидир. Стационар ҳажми сақлашда ион каналлари ва мембрана транспортерлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳажм бошқарилишида иштирок этувчи ион каналлари ва мембрана транспортерларининг селектив блокаторларини кашф қилиниши ушбу жараённинг молекуляр асосларини аниқлашда муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида ўсимлик флавоноидларининг турли хил биологик ва фармакологик хусусиятлари устида жадал илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқотлар натижасида флавоноидларнинг вирусларга қарши, антиоксидант, антиаритмик, иммуномодуляцияловчи, яллиғланишга қарши, ракка қарши, юрак-қон томирларини ҳимояловчи хусусиятлари аниқланган. Ҳозирги кундаги тадқиқотлар флавоноидларнинг ҳужайралар ҳажм бошқарилиш тизимида иштирок этувчи ион каналларига, айниқса анион каналларига таъсир механизмларини, мембранатроп фаоллигини кўрсатиб беришни тақозо этади.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда ион каналларининг янги самарали ва кам токсик модуляторларини топиш ва уларнинг таъсир механизмларини тадқиқ этиш бўйича фундаментал ва инновацион изланишлар олиб борилган. Мазкур йўналишда муайян натижаларга эришилди, жумладан, оқсиллар ҳосил қиладиган нано-поралар таърифланган, ҳужайра ташқи муҳитидаги АТФ ва глутатионнинг роли ва лимфоид ҳужайралардан чиқиш йўллари аниқланган, гипоосмотик стресс шароитида лимфоцит ва бошқа турдаги ҳужайралар ҳажм бошқарилиш системасининг ион механизмлари ёритилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>1</sup> таъкидланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ўсимликлардан ажратилган биологик фаол бирикмаларнинг ҳужайра ҳажми бошқарилиши тизимига таъсир механизмларини аниқлаш ва улар асосида фармакологик препаратларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори ва 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда бир қатор хужайра типлари плазматик мембранасидаги ион-транспорт тизимларининг нормал ва патофизиологик ҳолатлардаги, ўзгаришлари устида тадқиқотлар дунёнинг йирик илмий-тадқиқот марказлари етакчи олимлари томонидан олиб борилмоқда (Delpire and Gagnon, 2018; Okada et al. 2019). Ўсимлик флавоноидларининг турли биологик жараёнларга ва мембраналардаги ион каналларига таъсири бўйича ҳам бир қатор илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан табиий ва синтетик флавоноидлардан айримлари ҳажмга боғлиқ анион каналларини ингибирлаши аниқланган (Xue et al, 2016). Бир қатор флавоноид бирикмалар орасидан ТМЕМ16А оксиди ҳосил қилувчи кальций фаоллаштирадиган хлор каналлари (CaCC), потенциалга боғлиқ калий ва кальций ( $K_v1.1$ ,  $K_v1.3$ ,  $Ca_v3.2$ ) каналлари ҳамда TRPC5 ҳосил қилувчи селектив бўлмаган катион каналларининг янги ингибиторлари топилган (Zhang et al., 2017; Teisseyre et al., 2019; Ranzato E. et al, 2014; Naylor et al., 2016).

МДХ давлатларида ҳам нормал ва турли патофизиологик шароитларда хужайра ҳажм бошқарилиш системасида иштирок этувчи ион каналлари ва транспортерларининг биофизик ва фармакологик хусусиятлари устида бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Профессорлар С.Н. Орлов, Г.В. Максимовлар ҳамда уларнинг шогирдлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда турли хужайраларда котранспортёрлар ва ион каналларининг апоптоз ва некроз жараёнидаги бажарадиган вазифаси аниқланган.

Республикада ион каналларининг биофизик ва фармакологик тадқиқотлари академиклар Б.А. Ташмухамедов ва Р.З. Сабилов, профессорлар У.З. Мирходжаев, П.Б. Усманов, М.И. Асраровлар раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда. Ўсимликлардан ажратиб олинган турли биологик фаол моддаларнинг юрак ва силлиқ мускуллар хужайраларида кальций ташилиш механизмига, митохондриядаги мегапоралар ва калий каналлари функциясига, хужайра ҳажми бошқарилиш системасига таъсир механизми борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А11-Т060

«Перспектив иммуномодулятор ва саратонга қарши препаратлар сифатида хужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналларининг янги модуляторларини излаш» (2015-2017), ПЗ-2017-0920-49 «Маҳаллий хом-ашё асосида хужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ мембрана транспорти модуляторлари бўлган янги перспектив субстанцияларни тадқиқи» (2018-2020) ҳамда ФА-Ф5-014 «Ҳажмга боғлиқ анион каналларининг биофизикавий фенотиби ва хужайра ҳажм бошқарилиш механизмидаги функцияларини ўрганиш» (2017-2020) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўсимлик флавоноидларининг тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилишини ва қизил қон хужайраларининг осмотик ҳамда коллоид-осмотик стрессга чидамлилигига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига 16 та флавоноид моддаларини таъсирини аниқлаш;

флавоноидлар структураси ва функциясининг ўзаро боғлиқлигидаги конуниятларни аниқлаш;

флавоноидларнинг ҳажм бошқарилиш тизимида таъсир механизмининг ноэлектрик ва электрофизиологик усуллар ёрдамида аниқлаш;

флавоноидларнинг одам эритроцитларига нормал ва осмотик стресс шароитида таъсирини тадқиқ қилиш;

флавоноидларнинг одам эритроцитларига коллоид-осмотик стресс шароитида таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида зотсиз, 6-8 ҳафталик, ёш оқ каламушлардан ажратилган тимоцитлар, одам қизил қон хужайралари, ўсимлик флавоноидлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ўсимлик флавоноидларининг тимоцит хужайраларидаги ҳажм бошқарилиш жараёнлари ва одам эритроцитларининг осмотик ҳамда коллоид-осмотик стрессга нисбатан чидамлилигига таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тажрибаларда замонавий биофизикавий, биокимиёвий ва электрофизиологик усуллардан фойдаланилди. Каламуш тимоцитлари ва одам қизил қон хужайралари стандарт методлар ёрдамида ажратилди. Тимоцитлар хужайра ҳажми суспензиянинг ёруғлик ўтказувчанлигини регистрацияси усули бўйича аниқланди. Гемолиз миқдори қизил қон хужайраларидан гемоглобиннинг чиқиши бўйича ўлчанди. Ҳажмга боғлиқ анион каналларининг биофизикавий параметрлари ион тоқларининг микролокал ўлчаш (пэтч-кламп) методи ёрдамида регистрация қилинди. Натижаларни математик ва статистик таҳлил қилиш учун Origin 5.0, 7.5 ва 8.6 (OriginLab, Northampton, MA, AQSH) компьютер дастурларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига 16 та флавоноиднинг таъсири тавсифланган ва улар ичидан кучли ингибирловчи таъсирга эга гуруҳ (гиспидулин, пиноцембрин, леманин ва пуликарин) аниқланган;

флавоноидларнинг структурасида ҳажм бошқарилиш ингибитори сифатида фаолият учун зарур бўлган асосий детерминантлар аниқланган;

ноэлектрик ва тўғридан-тўғри электрофизиологик пэтч-кламп методи ёрдамида леманин ва пиноцембриннинг хужайра ҳажм бошқарилишига таъсир механизми айнан ҳажмга боғлиқ анион канали блокадаси туфайли амалга оширилиши исботланган;

флавоноидларнинг одам эритроцитларига ҳимояловчи таъсир кўрсатиши, одам эритроцитлари осмотик резистентлиги ва коллоид-осмотик лизисига нисбатан чидамлилигига ҳамда хужайра ҳажм бошқарилиш тизимига таъсири ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

флавоноид бирикмалар орасидан тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасини ингибирловчи янги моддалар аниқланган;

флавоноид бирикмалар орасидан одам қизил қон хужайраларини осмотик стресс ва коллоид-осмотик лизис шароитларида ҳимояловчи янги моддалар аниқланган;

флавоноид бирикмаларнинг тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасига таъсири механизмлари, шунингдек уларнинг структурага боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда замонавий биофизик-биокимёвий, электрофизиологик тадқиқот усуллари қўллаш орқали олинганлиги, натижалар таҳлили замонавий компьютер дастури ёрдамида таҳлил қилинганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, флавоноидларнинг тимоцитлар ва эритроцитлар ҳажм бошқарилиш системасига ингибирловчи таъсири механизмларини ёритиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, иммун тизими хужайралари патологияси натижасида келиб чиқувчи ион каналларига боғлиқ касалликларни олдини олиш ва даволашда фаол флавоноид бирикмаларни эффектив иммуномодулятор туркумига мансуб янги авлод истиқболли дори воситалари сифатида қўллаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўсимлик флавоноидларининг тимоцит хужайраларининг ҳажм бошқарилиш жараёнига таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўсимлик флавоноидларининг мембраналардаги ион-ташилиш жараёнларига таъсири бўйича олинган илмий натижалардан Ф-5-14 рақамли «Кўк-яшил сув ўтларидан фойдаланиб фармацевтика ва биотехнология



объектлари учун биологик фаол моддалар ажратиш» фундаментал лойихасида кўк-яшил сувўтларидан ажратиб олинган биологик фаол моддаларнинг гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 89-03-3677-сон маълумотномаси). Натижада мазкур биологик фаол моддаларнинг тимоцитлар ҳажм бошқарилишига таъсирини аниқлашда ва уларнинг анион транспортига боғлиқлигини тавсифлаш имконини берган;

гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига ўсимлик флавоноидларининг таъсир механизми бўйича олинган илмий натижалардан ФА-А6-Т064 рақамли «Кавказ чаёни рекомбинант инсектотоксини ВисаIT олиш биотехнологиясини яратиш ва ҳайвон ва рақ хужайралари культураларида синовлар ўтказиш» мавзусидаги фундаментал лойихасида чаён захари, изофлавоноид ва оксилли экстракт сояфлан ва оксилли экстракт биокор препаратларининг гипоосмотик стресс шароитида каламуш тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилиш системасига таъсирини аниқлашда ҳамда уларнинг анион транспортига таъсир механизминини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 27 февралдаги 4/1255-606-сон маълумотномаси). Натижада мазкур препаратларнинг тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилиш системасига таъсирини аниқлашда ҳамда уларнинг анион транспортига таъсир механизминини тавсифлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, шундан 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, якуний қисм, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми (мундарижа, қисқартма сўзлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташқари) 98 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хужайра ҳажм бошқарилиш системасининг ва флавоноидларнинг умумий характеристикаси**» деб номланган биринчи бобида тимуснинг хужайравий тузилиши ва унда Т-лимфоцитларнинг шаклланиши таҳлил қилинган, лимфоцитлардаги ион каналлари ва уларнинг функцияси, гипоосмотик стресс шароитида хужайра ҳажм камайишида иштирок этувчи ион каналлари ва уларнинг фармакологияси, флавоноид бирикмаларнинг классификацияси, уларнинг биологик аҳамияти, флавоноидларнинг ион каналарига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилиши ва кизил қон хужайраларининг осмотик ҳамда коллоид-осмотик стрессга чидамлилигини ўрганишда фойдаланилган усуллар ва материалларнинг асосий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган моддалар ва эритмалар тавсифи, хусусияти, тадқиқот олиб борилган тимоцит хужайраларини ёш оқ каламушлардан ва эритроцит хужайраларини кўнгилли соғлом одам қонидан ажратишнинг стандарт методлари, тадқиқотда фойдаланилган хужайра ҳажмини суспензиянинг ёруғлик ўтказувчанлигини регистрация қилиш усули, гемолиз, ион тоқларининг микролокал ўлчаш (пэтч-кламп) каби оптик ва электрофизиологик усуллар батафсил ёритилган, шунингдек олинган натижаларни математик қайта ишлаш усуллари ва статистик таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик флавоноидларининг каламуш тимоцитлари ҳажм бошқарилиш жараёнларига таъсири**» деб номланган учинчи бобида гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилиши системасига флавоноидларнинг ягона (10 ёки 100 мкМ) ва дозага боғлиқ таъсири, флавоноидлар структурасининг регулятор (бошқарилувчи) ҳажм камайиши (*RVD – Regulatory Volume Decrease*) параметри билан боғлиқлиги, флавоноидларнинг тимоцитлар ҳажм бошқарилишига ингибирловчи таъсирининг анион транспортига, хусусан ҳажмга боғлиқ анион каналлари (ХБАК) фаоллигига боғлиқлиги бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Изотоник муҳитда (нормал Рингер эритмаси) тимоцитлар ҳажми 15 минут давомида ўзгармасдан сақланади (1-расм). Тимоцитлар гипотоник муҳитга тушганда дастлаб тезда шишиб (пассив жавоб), кейин изотоник ҳажмга яқин даражагача ҳажмини тиклайди (актив жавоб) (1-расм). Ушбу жараён бошқарилувчи ҳажм камайиши (*RVD*) дейилади. Назоратда гипоосмотик стресс шароитида 15 минут давомида инкубация қилинган тимоцитларда хужайра ҳажм камайиши 63 % дан 94% гача бўлиб, ўртача  $78,1 \pm 2,0\%$  га ( $n=28$ ) тенг бўлди (1-расм).

4 та синфга мансуб 16 та флавоноид бирикмалар 10 ёки 100 мкМ да гипотоник Рингер эритмасига кўшилганда, тимоцитлар ҳажм тикланиш даражасига турлича таъсир кўрсатди (1-расм). Ҳар бир модда алоҳида кунда текширилганлиги учун хужайра ҳажм камайишининг ўртача қиймати назорат қийматларига нормаллаштирди. 1Б-расмдан кўриниб турибдики, 10 мкМда

фақат изоглабрин, пуликарин ва леманин тимоцитлар ҳужайра ҳажм бошқарилишига сезиларли ингибирловчи таъсир кўрсатди (1Б-расм). 100 мкМ концентрацияда эса моддаларнинг кўпчилиги (16 дан 10 таси) тимоцитлар ҳажм бошқарилишига ингибирловчи таъсир кўрсатди (1Г-расм).



**1-расм. Гипоосмотик стресс (147 мОсм/кг Н<sub>2</sub>О) шароитида флавоноидларнинг 10 ва 100 мкМ концентрацияда каламуш тимоцитлари ҳажм бошқарилишига таъсири.** (А ва В) флавоноидлар таъсирида ҳужайра суспензияси ёруғлик ўтказувчанлиги ўзгаришининг оригинал ёзуви ва (Б ва Г) ҳужайра шишгандан кейин назоратда ва флавоноидлар иштирокидаги ҳажм тикланиши фоизи кўрсатилган. Бу ерда: Н-назорат, 1-кверцетин, 2- сиссотрин, 3- ликвиритин, 4-цинарозид, 5- ононин, 6- термопсозид, 7- лютеолин, 8- пиноцембрин, 9- гиспидулин, 10- формонетин, 11- хризозериол, 12- генистин, 13- апигенин, 14- изоглабрин, 15- пуликарин, 16- леманин. n-тажрибалар сони. Флавоноидлар учун n=3-8; назорат учун n=28. (\*) билан статистик аҳамиятли фарқ кўрсатилган. Барча ҳолатларда моддасиз назоратга нисбатан  $P < 0,05$ . n – тажрибалар сони.


Олинган натижаларни таҳлил қилиш учун ўрганилган флавоноидларни 100 мкМ таъсир эффеќтига кўра 3 гуруҳга ажратилди: 1) кучли ингибирловчи эффеќтли (RVD 70% гача камайтиради); бу гуруҳга гиспидулин, пиноцембрин ва пуликарин киради; леманин 10 мкМ да энг кучли таъсир қилганлиги учун бу гуруҳга киритилди; 2) ўртача ингибирловчи эффеќтли (RVD 40-70% гача камайтиради); бу гуруҳга изоглабрин, лютеолин, кверцетин ва хризозериол мансуб; 3) сезиларли эффеќтга эга бўлмаган (RVD 0-40% дан кам камайтиради); бу гуруҳга сиссотрин, термопсозид, апигенин, цинарозид, генистин, ликвиритин, формонетин ва ононин киритилди. Ўрганилган флавоноидларнинг ингибирлаш фаоллиги уларнинг умумий тузилиш формуласи асосида таҳлил қилинди.

Ўрганилган флавоноидларнинг тузилиши ва уларнинг тимоцитлар ҳажм бошқарилишини ингибирлаш қобилияти ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишда қуйидаги қонуниятларни аниқладик: (i) агликонлар гликозидларга

караганда юқори фаол моддалар; (ii) ўрганилган барча флавоноллар ва агликон флаванонлар кучли ҳамда ўртача самарали моддаларга мансуб; иккита флавонон: изоглабринин ва леманин солиштирилганда, изоглабрининда R6 да гидрофоб, аммо кичикроқ пренил гуруҳ ўрнига леманинда R8 да йирикроқ гидрофоб лавандулил гуруҳининг киритилганини кўриш мумкин; бу икки модданинг таъсири солиштирилганда леманин изоглабрининга нисбатан 10 марта юқори фаолликга эга; (iii) флавонолар ҳар уч гуруҳнинг бирига кириши мумкин; апигенин (1-гуруҳ), лютеолин (2-гуруҳ) ва гиспидулин (3-гуруҳ) ни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, паст фаолликка эга апигениндаги R3' ҳолатга ОН-гуруҳи киритилганда ўртача фаолликни намоён этди, апигенинда R6 ҳолатга ОСН<sub>3</sub>-гуруҳининг киритилиши паст фаол бирикмани юқори ингибитор молекулага айлантирди; эътибор қилинса, юқори фаолликка эга флавонол пуликарин R3, R5, R7 ва R4' ҳолатда тўртта ОСН<sub>3</sub>-гуруҳ тутади, бу эса метокси-гуруҳ жуда муҳим рол ўйнашини кўрсатади; (iv) барча ўрганилган изофлавонолар («В» фенил халқа 3' ҳолатда жойлашган) кам эффеқтли моддаларга мансуб бўлиб, бу шундан далолат берадики, флавоноидларнинг RVD ингибиторлари сифатида фаолияти учун «В» фенил халқанинг C2 ҳолатда жойлашиши муҳимдир.

1-жадвал.


Ўрганилган флавоноидларнинг умумий тузилиш формуласи асосидаги структура формуласи



	R3	R5	R6	R7	R8	R2'	R3'	R4'	R5'	R6'	C <sub>2</sub> =C <sub>3</sub>	
<b>Флавонолар</b>												
Апигенин	H	ОН	H	ОН	H	H	H	ОН	H	H	+	<p>Гликозид (Glu)</p>
Лютеолин	H	ОН	H	ОН	H	H	ОН	ОН	H	H	+	
Гиспидулин	H	ОН	ОСН <sub>3</sub>	ОН	H	H	H	ОН	H	H	+	
Хризозеариол	H	ОН	H	ОН	H	H	ОСН <sub>3</sub>	ОН	H	H	+	
Термопсозид	H	ОН	H	ОGlu	H	H	ОСН <sub>3</sub>	ОН	H	H	+	
Цинарозид	H	ОН	H	ОGlu	H	H	ОН	ОН	H	H	+	
<b>Флавоноллар</b>												
Кверцетин	ОН	ОН	H	ОН	H	H	ОН	ОН	H	H	+	<p>Пренил (Pr)</p>
Пуликарин	ОСН <sub>3</sub>	ОСН <sub>3</sub>	ОН	ОСН <sub>3</sub>	H	H	ОН	ОСН <sub>3</sub>	H	H	+	
<b>Флаванонлар</b>												
Пиноцембрин	H	ОН	H	ОН	H	H	H	H	H	H	-	<p>Лавандулил (Lav)</p>
Изоглабринин	H	ОН	Pr	ОН	H	H	H	H	H	H	-	
Леманин	H	H	H	ОН	Lav	ОН	H	ОН	H	H	-	
Ликвиритин	H	H	H	ОН	H	H	H	ОGlu	H	H	-	
<b>Изофлавонолар</b>												
Формонетин	-	H	H	ОН	H	H	H	ОСН <sub>3</sub>	H	H	+	<p>Лавандулил (Lav)</p>
Сиссотрин	-	ОН	H	ОGlu	H	H	H	ОСН <sub>3</sub>	H	H	+	
Ононин	-	H	H	ОGlu	H	H	H	ОСН <sub>3</sub>	H	H	+	
Генистин	-	ОН	H	ОGlu	H	H	H	ОН	H	H	+	

Хулоса қилиб айтганда, гидрофоблик хусусиятини берувчи метоксил, пренил ва лавандулил гуруҳларининг бўлиши, шунингдек гликозил гуруҳнинг бўлмаслиги, С2 ҳолатдаги «В» фенил халқанинг локализацияси билан бирга флавоноидларнинг RVD ингибиторлари сифатидаги фаолияти учун муҳимдир.

3 та гуруҳга мансуб жами 10 та флавоноид бирикманинг (1-гуруҳдаги барча флавоноидлар; 2-гуруҳдан 3 та: кверцетин, хризозеиол, изоглабринин; 3-гуруҳдан 3 та: формонетин, цинарозид, ононин) тимоцитлар ҳужайра ҳажм бошқарилишига дозага боғлиқ таъсири текширилганда ўрганилган моддалар концентрацияга боғлиқ ҳолда каламуш тимоцитлари ҳажм бошқарилишини камайтириб борди (2-расм).



**2-расм. Гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасига флавоноидларнинг дозага боғлиқ таъсири.** Ҳар бир гуруҳга мансуб бўлган индивидуал флавоноидлар (гиспидулин, хризозеиол ва формонетин) нинг ёруғлик ўтказувчанлигига таъсирининг оригинал ёзуви (А) ва ҳар бир флавоноиднинг дозага боғлиқ таъсирининг натижаси (Б) кўрсатилган. Эгрисимон чизиқлар экспериментал нуқталарни Хилл тенгламасига аппроксимация қилиш натижаси бўлиб, тегишли ярим-максимал концентрациялар ва Хилл коэффициентлари 2-жадвалда келтирилган. n-тажрибалар сони.

Биринчи гуруҳ флавоноидларининг ярим-максимал эффектив концентрацияси 65 мкМ дан паст бўлди, леманин энг кучли ингибитор ( $C_{50} = 8,8$  мкМ) деб топилди. 2-гуруҳда ярим-максимал эффектив концентрация 88 мкМ дан 177 мкМ гача бўлди. 3-гуруҳ флавоноидларида эса ярим-максимал эффектив концентрация 300 мкМ дан юқори бўлди (2-жадвал).

Адабиётларда тимоцит ҳужайраларининг ҳажм бошқарилиши механизмида  $Ca^{2+}$ ,  $K^+$  ва  $Cl^-$  каналларининг ҳамда  $K/Cl$  котранспортининг роли кўрсатилган. Флавоноидларнинг ингибирлаш эффекти ушбу таркибий қисмлардан бирининг функциясига таъсири орқали амалга ошиши мумкин.

Тажрибаларимизда гипотоник эритма таркибидаги барча бир валентли катионлар йирик органик катион – N-метил-D-глюкамин (НМДГ<sup>+</sup>) га алмаштирилди ва тимоцитлар мембранасининг катион ўтказувчанлиги грамицидин Д (ГрД) ёрдамида оширилди. Тимоцитлар ГрД ва НМДГли гипотоник Рингер эритмасига (кейинги ўринларда НМДГ-ГрД деб аталади) жойлаштирилганда, дастлаб шишиб, натрийли гипотоник Рингерга нисбатан ўз ҳажмларини янада самаралироқ тиклади ва *RVD* параметри  $111,3 \pm 5,2\%$  ( $n=6$ ) ни ташкил этди (3-расм). НМДГ-ГрДли шароитда хужайра плазматик мембранасидаги ҳажм бошқарилиши асосан анион транспорти фаоллигига боғлиқ бўлади. Ушбу экспериментал шароитга тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасини кучли ингибирловчи биринчи гуруҳ флавоноидлари дозага боғлиқ таъсир эттирилганда, леманин ва пиноцембрин *RVD* жараёнини кучли ингибирлади (3А, Б ва 3В, Г-расмлар).


2-жадвал.

**Гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар хужайра ҳажм бошқарилиш системасига флавоноидларнинг дозага боғлиқ таъсирининг ярим-максимал эффекти ( $C_{50}$ ) ва Хилл коэффицентлари ( $h$ ).**

№	Флавоноидлар	$C_{50}$ (мкМ)	$H$
1	Леманин	$8,8 \pm 2,1$	$1,7 \pm 0,6$
2	Пуликарин	$20,4 \pm 1,9$	$1,2 \pm 0,1$
3	Пиноцембрин	$39,1 \pm 7,8$	$1,5 \pm 0,4$
4	Гиспидулин	$64,8 \pm 7,9$	$1,5 \pm 0,2$
5	<i>Изоглабринин</i>	$87,5 \pm 24,2$	$0,6 \pm 0,1$
6	<i>Хризоеариол</i>	$143,0 \pm 19,0$	$1,0 \pm 0,2$
7	<i>Кверцетин</i>	$177,0 \pm 14,0$	$2,0 \pm 0,4$
8	Цинарозид	$314,0 \pm 5,0$	$1, \pm 0,03$
9	Ононин	$439,0 \pm 214,0$	$0,7 \pm 0,3$
10	Формононетин	$679,0 \pm 203,0$	$0,7 \pm 0,1$

Леманин НМДГ-ГрДли муҳитда ҳам гипоосмотик Рингерли шароитидагидек икки фазали таъсир кўрсатди ва биринчи фаза учун олинган натижалар Хилл тенгламасида аппроксимация қилинганда ярим максимал эффекти  $11,4 \pm 0,5$  мкМ ва Хилл коэффицентини  $2,1 \pm 0,2$  ( $n=6$ ) га тенг бўлди. Ушбу натижалар нормал Рингер муҳитида олинган натижаларга яқин (2-жадвал). Демак, леманиннинг тимоцитлар ҳажм бошқарилишига таъсири асосан плазмалеммал мембранадаги анион ўтказувчанлигига боғлиқ, деб хулоса қилишимиз мумкин. Ўрганилган шароитда пиноцембрин таъсирида *RVD* параметри концентрация ортиб бориши билан камайиб борди ва хужайра ҳажм бошқарилиш системасини кучли ингибирлади; ярим максимал концентрацияси  $C_{50}=52,4 \pm 1,6$  мкМ ва Хилл коэффицентини  $h=3,3 \pm 0,2$  га тенг бўлди (3Г-расм). НМДГ-ГрД ли гипоосмотик шароитда гиспидулин ( $C_{50}=94,4 \pm 4,5$  мкМ;  $h=2,1 \pm 0,3$ ) ва пуликарин ( $C_{50}=20,2 \pm 1,4$  мкМ;  $h=1,4 \pm 0,2$ )

нинг тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасини қисман ингибирлади, яъни уларнинг ушбу жараёнга ингибирловчи таъсири мураккаброқ ва бу жараёнда анион транспортидан бошқа бир ёки бир неча транспорт тизимлари ҳам иштирок этиши мумкин.




**3-расм.** НМДГ-ГрД ли шароитда тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасининг анион транспортига леманин ва пиноцембриннинг таъсири. (А ва В) модда таъсирида ҳужайра суспензияси ёруғлик ўтказувчанлиги ўзгаришининг оригинал ёзуви ва (Б ва Г) дозага боғлиқ таъсири натижасининг Хилл тенгламасида аппроксимацияси. Хилл коэффициенти матнда келтирилган.

Маълумки, гипоосмотик стресс шароитида ХБАК типидagi Cl-каналларини фаоллашади. Тажрибаларимизнинг бу қисмида пэтч-кламп усулининг whole-cell конфигурациясидан фойдаланиб, леманин ва пиноцембриннинг ХБАК фаоллигига таъсирини ўргандик. (тажрибалар Н.А. Циферова билан ҳамкорликда бажарилган). Пипеткадаги эритма ва ячейкадаги нормал Рингер эритмаси орасидаги осмотик босим фарқи (30 мОсм/кг H<sub>2</sub>O) натижасида ҳужайра ҳажми вақт ўтиши билан ошиб борди. Плазмалемманинг ион ўтказувчанлиги ҳужайра ҳажмининг ошиши билан мос равишда ўсиб борди. Ўлчанган ток ташқи йўналганликни кўрсатди.

Рингер эритмаси 2,5 мкМ концентрацияли леманин билан алмаштирилганда плазмалемма орқали ўтаётган ток босқичма-босқич камайиб борганлигини кўриш мумкин. Кирувчи ва чиқувчи ток тахминан бир хил даражада ингибирланди. Бундан кўринадики, леманиннинг анион каналларига таъсири тўғридан-тўғри пэтч-кламп методи ёрдамида яққол намоён бўлди. Шунга ўхшаш натижа пиноцембрин таъсирида ҳам кузатилди. Ячейкадаги Рингер эритмаси пиноцембриннинг 100 мкМ эритмаси билан алмаштирилганда макроскопик токнинг камайиб боришини кузатдик. Ион токининг ҳам манфий, ҳам мусбат потенциалларда камайганлиги эффектнинг потенциалга боғлиқ эмаслигини кўрсатади. Олинган натижалар асосида

леманин ва пиноцембриннинг таъсири анион каналларининг ингибирланиши билан боғлиқлиги тўлиқ тасдиқланди.



**4-расм.** Гипоосмотик стресс шароитида 2,5 мкМ концентрацияда леманиннинг каламуш тимоцитлари ҳажмга боғлиқ хлор токига таъсири. А) 0 мВ дан  $\pm 25$  мВ гача тест импульслари берилганда whole-cell конфигурациясида макроскопик токнинг ўзгариши кўрсатилган. Б) 0 мВ дан  $\pm 100$  мВ гача ҳар 20 мВ ораликдаги тест импульслари учбурчак билан ифодаланган.

Диссертациянинг «Ўсимлик флавоноидларининг одам эритроцитларига осмотик ва коллоид-осмотик стресс жараёнларига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида изоосмотик, гипоосмотик стресс ва коллоид-осмотик лизис шароитларида одам эритроцитларидан гемоглобин чиқишига ўсимлик флавоноидларининг таъсири тадқиқ қилинган.


Флавоноидларнинг мембранатроп фаоллигини аниқлаш мақсадида 4 синфга мансуб 16 та бирикманинг 1 мкМ дан 500 мкМ гача концентрацияда *in vitro* усулида изоосмотик шароитда одам қизил қон хужайраларидан гемоглобин чиқишига таъсири таҳлил қилинди. Бунда фақат генистин эритроцитлар плазматик мембранасини барқарорлаштириб, хужайралар спонтан лизисга чидамли бўлди. Бошқа барча флавоноидлар маълум даражада спонтан гемолизни кучайтирди. Моддаларнинг изоосмотик шароитда базал гемолизни кучайтирувчи эффекти уларнинг эритроцит ҳажм бошқарилиш системасини ингибирлаши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Гемолиз даражаси флавоноидлар микдори статистик жиҳатдан сезиларли даражада оширилган бўлса-да, максимал лизис 5% дан юқори бўлмаслиги ушбу моддаларнинг цитолитик модда эмаслигини кўрсатади.

Таҷрибаларда хужайра ташқарисидаги осмотик босим пасайиши билан хужайраларда гемолиз даражаси аста секин ортиб бориши кузатилди. Инкубацион муҳитга флавоноидлар қўшилганда, эритроцитларнинг осмотик



резистентлигининг сезиларли силжиши кузатилди. Барча эгри чизиқлар Больцман тенгламаси ёрдамида яхши ифодаланди ва эритроцитларнинг 50% гемолизга олиб келувчи осмотик босими ( $P_{50}$ ) аниқланди. Бунда флавоноидлар тимоцитлар ҳажм бошқарилишини самарали пасайтирувчи концентрацияларда қўлланилган.

Тажрибалар ҳар бир гуруҳ флавоноидлар учун алоҳида кунда бажарилганлиги учун 50% гемолизга олиб келувчи осмотик босими ( $P_{50}$ ) қийматлари ҳар бир гуруҳнинг ўз назорат қийматларига нормаллаштирилди ва назоратга нисбатан фоиз ҳисобида 5-расмда кўрсатилди. Расмдан кўриниб турибдики, фақат леманин эритроцитларнинг осмотик чидамлилигини пасайтирди, буни унинг тимоцитлар ҳажм бошқарилишини ва ХБАК фаоллигини ингибирловчи таъсири билан тушунтириш мумкин.  $P_{50}$  ўзгаришига пиноцембрин, кверцетиннинг таъсири сезиларли бўлмади, лекин қолган флавоноидлар таъсирида эритроцитларнинг осмотик босимга чидамлилиги статистик жиҳатдан сезиларли даражада ортган (яъни  $P_{50}$  пасайган). Флавоноидларнинг эритроцит хужайраларини осмотик босимга чидамлилигини ошириши уларнинг плазматик мембранасида стабиллаштирувчи таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин.




**5-расм. Одам эритроцитларида 50% гемолизга олиб келувчи осмотик босимга флавоноидларининг таъсири.** Статистик аҳамиятли фарқ (\*) белгиси билан кўрсатилган. Барча ҳолатларда назоратга нисбатан  $P < 0,05$ .  $n$  – тажрибалар сони.

Кейинги тажрибаларимизда қон хужайраларининг полиен антибиотиғи нистатин моддаси таъсиридаги коллоид-осмотик лизисга чидамлилигига флавоноидларнинг таъсири ўрганилди. Шу мақсадда биз ушбу полиеннинг турли концентрацияларда гемолиз даражасини аниқлаб, доза-жавоб эгри чизиғини чиздик ва Хилл тенгламасида аппроксимация қилиб, 50% ли гемолиз чақирувчи нистатиннинг эффектив концентрациясини аниқладик. Инкубацион муҳитга флавоноидлар қўшилганда ҳам олинган натижалар

Хилл тенгламаси асосида аппроксимация қилинди, лекин уларнинг эффектив концентрацияси ( $C_{50}$ ) назоратдан фарқ қилди.


Тажрибалар ҳар бир гуруҳ моддалар учун алоҳида кунда бажарилганлиги учун флавоноидларнинг 50% гемоллиз чақирувчи эффектив концентрацияси ( $C_{50}$ ) ўртача қийматлари ҳар бир гуруҳнинг ўз назорат қийматларига нормаллаштирилди ва 6-расмда кўрсатилди. Бу ерда эритроцитларнинг нистатинли коллоид-осмотик лизисга нисбатан чидамлилиги пиноцембрин, леманин, пуликарин, гиспидулин, изоглабринин ва хризозеиол таъсирида пасайган, чунки 50% ли гемолизга олиб келиш учун нистатиннинг нисбатан камроқ миқдори сарфланган. Бу моддаларнинг таъсири уларнинг хужайра ҳажм бошқариш системасини блоклашига ва ХБАК фаоллигига боғлиқ бўлиши мумкин. Кверцетин, ононин, формонетин ва цинарозид одам қизил қон хужайраларига ҳимояловчи таъсир кўрсатди, хужайралар стабиллиги ортиши кузатилди. Бу натижалар уларнинг мембрана механик стабиллигини (масалан, антиоксидантлиги сабабли) ошириши билан боғлиқ бўлиши мумкин.




**6-расм. Одам эритроцитларида 50% гемолизга олиб келувчи нистатин концентрациясига ( $C_{50}$ ) муҳитдаги флавоноид моддаларининг таъсири.** Статистик аҳамиятли фарқ (\*) белгиси билан кўрсатилган. Барча ҳолатларда назоратга нисбатан  $P < 0,05$ . n – тажрибалар сони.

Флавоноидларнинг эритроцитларга ва тимус хужайраларига таъсири солиштирилганда ҳам осмотик резистентлик ҳам, коллоид-осмотик лизисга нисбатан чидамлилиқ ҳам хужайра ҳажм бошқарилиши билан кучли боғлиқ, деб топилди (7-расм), лекин бу боғлиқлик ночизиқли бўлиб, Спирмен корреляция коэффиценти 0,88 ( $P_{50}$ ) ва 0,93 (Нистатин  $C_{50}$ ) га тенг бўлди. Эксперимантал нуқталар иккинчи даражали полином билан аппроксимацияланганда корреляция коэффиценти 0,88 ( $P_{50}$ ) ва 0,83 (Нистатин  $C_{50}$ ) ни ташкил этди. Бу натижа флавоноидларнинг эритроцитлар чидамлилигига таъсири асосида уларнинг хужайра ҳажм бошқарилиш системасига таъсири ётишидан далолат беради. Маълумки, реактив кислород тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасининг муҳим компонентларидан

бўлган ҳажмга боғлиқ анион каналларини фаолантириш қобилиятига эга (Okada Y. et al, 2009). Флавоноидларнинг бир қатор биологик фаол хусусиятлари уларнинг антиоксидант хусусиятига боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, ўрганилган айрим флавоноидларнинг антиоксидант фаоллиги натижаларини (Хушбақтова и др., 1996) ушбу флавоноидлар каламуш тимоцитлари ҳажм бошқарилиш системасига ҳамда эритроцитларнинг осмотик ва коллоид-осмотик лизисига таъсири билан солиштирилганда улар ўртасидаги маълум корреляция мавжудлиги аниқланди (8-расм).



**7-расм.** Флавоноидларнинг осмотик ( $P_{50}$ ) ва коллоид-осмотик ( $C_{50}$ ) лизисга нисбатан чидамлилигининг ҳужайра ҳажм бошқарилиш системаси билан боғлиқлиги графиги. Абцисса ўқида – гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳужайра ҳажм бошқарилиш системасига флавоноидларнинг дозага боғлиқ таъсирининг ярим-максимал концентрацияси ( $RVD C_{50}$ ); Ордината ўқида – флавоноидларнинг қизил қон ҳужайралари 50% ли гемолизига олиб келувчи осмотик босим ( $P_{50}$ ) ва нистатиннинг эффектив концентрацияси ( $C_{50}$ ) кўрсатилган. Бу ерда: 1-Ононин; 2-Цинарозид; 3-Формононетин; 4-Кверцетин; 5-Хризозеириол; 6-Изоглабранин; 7-Гиспидулин; 8-Леманин; 9-Пиноцембрин.



**8-расм.** Флавоноидлар антиоксидант фаоллигининг осмотик ( $P_{50}$ ), коллоид-осмотик ( $C_{50}$ ) лизис ҳамда ҳужайра ҳажм бошқарилиш системаси билан боғлиқлиги графиги. Абцисса ўқида – липидларнинг перикисли оксидланиши ингибирланиши кўрсатилган. Ордината ўқида – (А) ф қизил қон ҳужайралари 50% ли гемолизига олиб келувчи осмотик босим ( $P_{50}$ ); (Б) нистатиннинг эффектив концентрацияси ( $C_{50}$ ); (В) тимоцитлар ҳужайра ҳажм бошқарилиш системасига флавоноидларнинг дозага боғлиқ таъсирининг ярим-максимал концентрацияси ( $RVD C_{50}$ ) кўрсатилган. Бу ерда: Н-Назорат; 1-Ононин; 2-Цинарозид; 3-Формононетин; 4-Кверцетин; 5-Хризозеириол; 6-Изоглабранин; 7-Гиспидулин; 8-Леманин; 9-Пиноцембрин.

## ХУЛОСАЛАР

1. Биринчи бор гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига 16 та флавоноиднинг таъсири аниқланди. Ингибирловчи таъсирига кўра моддалар 3 гуруҳга бўлиниб, энг кучли таъсирга эга (ярим-максимал эффе́ктив концентрацияси  $C_{50} < 65$  мкМ бўлган) 1-гуруҳни гиспидулин, пиноцембрин, леманин ва пуликарин ташкил қилди, леманин эса энг кучли ингибитор ( $C_{50} = 8,8$  мкМ) деб топилди.

2. Флавоноидлар структураси ва ҳажм бошқарилиш ингибитори сифатидаги функциясининг ўзаро боғлиқлиги молекуланинг агликон ҳолатда бўлиши, гидрофоб хусусиятга эга метоксил, пренил ёки лавандулил гуруҳларининг мавжудлиги, шунингдек «В» фенил халқанинг С2 ҳолатда жойлашуви билан изоҳланади.

3. «НМДГ-ГрД» шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилиши фақат анион транспорти фаоллигига боғлиқлиги аниқланди; леманин ва пиноцембрин бу жараёни тўлиқ, гиспидулин ва пуликарин эса қисман блоклаши кузатилди. Леманин ва пиноцембриннинг ҳажмга боғлиқ анион каналига блокловчи таъсири тўғридан-тўғри пэтч-кламп методи ёрдамида регистрация қилинди, демак уларнинг хужайра ҳажм бошқарилишни блоклаш механизми айнан ҳажмга боғлиқ анион канали блокадаси туфайли юзага келади.

4. Биринчи бор флавоноидларнинг одам эритроцитлари осмотик резистентлиги ва коллоид-осмотик лизисга нисбатан чидамлилигига ва хужайра ҳажм бошқарилиш тизимига таъсири ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бу фаоллик қисман антиоксидантлик хусусиятга боғлиқ деб топилди.

5. Биринчи бор флавоноидларнинг эритроцитлар осмотик резистентлигига (ононин > формонетин > гиспидулин > хризозе́риол > пуликарин > цинарозид > изоглабринин) ва коллоид-осмотик лизисга чидамлилигига (ононин > цинарозид > формонетин > кверцетин) ҳимояловчи таъсири аниқланди. Бундай ҳимояловчи эффе́кт флавоноидларнинг мембрана механик стабиллигини ошириши билан изоҳланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И  
БИОХИМИИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**ИНСТИТУТ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ**

**РУСТАМОВА САРВИНОЗ ИСЛОМОВНА**

**ВЛИЯНИЕ РАСТИТЕЛЬНЫХ ФЛАВОНОИДОВ НА ПРОЦЕССЫ  
ТРАНСПОРТА ИОНОВ В МЕМБРАНАХ**

**03.00.02 – Биофизика и радиобиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2017.1.PhD/В6.**

Диссертационная работа выполнена в Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ibb-nuu.uz](http://www.ibb-nuu.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Сабиров Равшан Заирович**  
доктор биологических наук, академик

**Официальные оппоненты:**

**Мирходжаев Улугбек Закирович**  
доктор биологических наук, профессор

**Тилябаев Зойтжон**  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 по присуждению ученых степеней при Институте биофизики и биохимии Национального университета Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел. 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Биофизики и биохимии Национального университета Узбекистана (зарегистрированной за №\_\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел: (99871) 246-68-96. e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru); [asrarov54@mail.ru](mailto:asrarov54@mail.ru)

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № «\_\_\_» от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Саатов Гальят Саатович**  
Заместитель председателя Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

**Асраров Музаффар Исламович**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

**Ахмеджанов Искандар Гулямович**  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотации диссертации доктора философии (PhD) )

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире увеличивается количество заболеваний, вызванных нарушениями функций ионных каналов. Одной из наиболее важных особенностей живых клеток является то, что они сохраняют свой объем независимо от изменений осмотического давления, вызванного различными механическими или химическими воздействиями и патофизиологическими условиями (при воспалении, ишемии, инфаркте и инсульте). Для поддержания стационарного объема очень важны ионные каналы и мембранные транспортеры. Создание селективных блокаторов ионных каналов и мембранных транспортеров, участвующих в системе регуляции объема клеток имеет большое научное и практическое значение для определения молекулярных основ этого процесса.

В ведущих исследовательских центрах мира проводятся интенсивные научные исследования различных биологических и фармакологических эффектов флавоноидов. В результате исследований выявлены антивирусная, антиоксидантная, антиаритмическая, иммуномодуляторная, противовоспалительная, противораковая активности, а также способность защищать сердечно-сосудистую систему. В настоящее время исследования механизма действия флавоноидов на участвующие в системе регуляции объема клеток ионные каналы, и особенно на анионные каналы являются крайне востребованными.

На сегодняшний день в нашей стране проводятся фундаментальные и инновационные исследования по поиску новых эффективных и малотоксических модуляторов ионных каналов, а также механизмов их действия. В этой области достигнуты значительные результаты, в том числе охарактеризованы белковые нанопоры, выявлена роль АТФ и глутатиона во внеклеточной среде и определены пути их выхода из лимфоидных клеток, а также ионные механизмы регуляции объема лимфоцитов и других клеток в условиях гипосмотического стресса. В «Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистана» подчеркивается «...стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику»<sup>1</sup>. Исходя из этих задач, большое научное и практическое значение приобретает определение механизма действия природных биологически активных соединений, выделенных из местных растений, на систему регуляции клеточного объема и создание на их основе новых фармакологических препаратов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». № УП-4947.

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 г № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 мая 2019 г № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

